



## ЎЗР СЎРАШНИ ИФОДАЛОВЧИ ТИЛ ВОСИТАЛАРИ ТАДҚИҚИ

**Муротова Дилноза Хасан қизи**

Ўқитувчи,

Фарғона давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8429917>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 02-October 2023 yil

Ma'qullandi: 06- October 2023 yil

Nashr qilindi: 11- October 2023 yil

### KEY WORDS

мулоқот, нутқий акт, фаолият, назария, психофизик жараён, адресант, тингловчи, узр сўраш

### ABSTRACT

*Нутқий акт жамият аъзолари томонидан қабул қилиниб, нутқ хулқи қоидаларига мувофиқ тарзда амалга ошириладиган, муайян мақсадга йўналтирилган нутқий ҳаракат ҳисобланади. Нутқий акт нутқий мулоқот доирасида амал қилади, сўзловчи ва тингловчидан иборат нутқ иштирокчилари, нутқий вазият, тил эгаларининг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари, нутқ иштирокчиларининг тил билими ва кўникмалари билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Нутқий актнинг амал қилиши учун зарур бўлган компонентлар қаторига нутқ иштирокчиларининг умумий тил билими ва тил кўникмасини ҳам киритиш лозим. Агар нутқ иштирокчилари умумий тил билимига (ҳатто имо-ишора тилига) эга бўлмасалар, нутқий акт нафақат томонларга тушунарсиз, балки амалга ошиши даргумон бўлиб қолади.*

Мулоқот инсон онги фаолиятининг маҳсули бўлиб, бу жараёнда нутқ эгалари томонидан турли мақсадларга йўналтирилган ранг-баранг нутқий тузилмалар (нутқий актлар) ҳосил қилинади.

Нутқий акт жамият аъзолари томонидан қабул қилиниб, нутқ хулқи қоидаларига мувофиқ тарзда амалга ошириладиган, муайян мақсадга йўналтирилган нутқий ҳаракат ҳисобланади[1,65].

Тилшуносликда нутқий акт муаммосининг юзага келиши, ўрганилиши австралиялик философ Л.Витгенштейннинг лисоний фаолият масаласига оид фалсафий қарашлари билан боғлиқ[2,234].

Нутқий акт назариясини дастлаб, инглиз файласуфи Ж.Остин томонидан илгари сурилди.

Ж.Остиннинг нутқий акт назарияси ҳақидаги қарашлари ўз вақтида З.Вендлер, Ж. Серль, Ж. Росслар томонидан таҳлил этилди ва ривожлантирилди. Тилшуносликда нутқий акт тушунчаси турлича талқин қилинади.[3,69]

Т.В. Жеребилонинг қайд этишича, нутқий акт психофизик жараён бўлиб, сўзловчи (адресант) ва тингловчи

(адресат) ўртасидаги нутқий алоқани акс эттиради ва қуйидаги компонентлардан ташкил топади: 1) сўзлаш (ёзиш); 2) идрок этиш; 3) нутқ (матн)ни тушуниш<sup>25</sup>. Ш.Сафаров нутқий актга қуйидагича таъриф беради: —Нутқий акт сўзловчининг маълум муҳитда, аниқ мақсадда тингловчига лисоний мурожаатидир||, —нутқий акт – мулоқот учун «қурилиш материали»дир, у коммуникатив жараён мантиқий давомлилигини акс эттирмайди||

Таърифлардан кўриниб турибдики, нутқий акт нутқий мулоқот доирасида амал қилади, сўзловчи ва тингловчидан иборат нутқ иштирокчилари, нутқий вазият, тил эгаларининг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари, нутқ иштирокчиларининг тил билими ва кўникмалари билан боғлиқ ҳолда шаклланади.

Яна бир ўзбек тилшуноси М.Ҳакимов нутқий актда умумий ҳолда қуйидаги компонентлар иштирок этишини қайд этади: сўзловчи, тингловчи, нутқ объекти – фактик материал ҳамда нутқий вазият. Назаримизда, нутқий актнинг амал қилиши учун зарур бўлган компонентлар қаторига нутқ иштирокчиларининг умумий тил билими ва тил кўникмасини ҳам киритиш лозим. Агар нутқ иштирокчилари умумий тил билимига (ҳатто имо-ишора тилига) эга бўлмасалар, нутқий акт нафақат томонларга тушунарсиз, балки амалга ошиши даргумон бўлиб қолади. Нутқий акт сўзловчининг муайян коммуникатив мақсадига бўйсундирилгани боис унинг турли кўринишлари фарқланади. Хусусан, узр сўрашни ифода этувчи нутқий актини, илтимос ёки мулозаматни ифода этувчи воситаларни ўрганиш тадқиқотимиз объектининг асосий вазибаларидандир[6,258].

Инсонлар бу дунёда ўз аҳли оиласи билан роҳат-фароғатда яшашлари учун бир жойни маскан қилиб оладилар. Бу масканда яшовчилар ва унга ташриф буюрувчиларнинг одоблари бор. Бу одобларга риоя қилишлик инсониятнинг манфаъатига хизмат қилади. Маскан одобларидан бири узр сўраш одобидир. Узр сўрашликда унга риоя қилиш лозим бўлган, у билан одобланишлик керак бўлган ўзига хос одоблари бор. Қуйидаги одобларда хонадонларнинг ҳурматини сақлашлик, инсонлар орасида адоват кўзғалмаслиги ва мусулмонлик одобини сақлашлик бордир[6,69].

Ҳар қандай ижтимоий ёки лисоний ҳодиса сингари, ҳурмат тамойилларининг воқеланиши ҳам хос тарихий даврларда ҳар хил ўзгаришларга дучор бўлиши, ушбу масалани тарихий нуқтаи назардан ҳам таҳлил қилиш эҳтиёжини туғдирмоқда. Вақт ўтиши сайин узр сўрашнинг моҳияти ҳам ўзгариб бормоқда. Зеро, тил соҳибларининг ижтимоий табиати, ҳаёт ва тафаккур тарзи ҳам ўзгаришларга мойил бўлади. Маданиятда содир бўлган ижтимоий тарихий ислоҳотларга мувофиқ, олдинги даврда узр сўрашнинг лисоний вербаллашуви замонавий лингвистик стратегиялардан фарқ қилиши мумкин. Мазкур лисоний ўзгаришлар замоннинг турли хил тарихий босқичларида ҳар хил прагматик меъёрларни яратувчи маданий алмашинув, ижтимоий қадриятлар ва тимсолларнинг янгиланиши билан боғлиқдир[6,247].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “узр сўраш” нутқий актига қуйидагича таъриф берилган[8,354].

**УЗР**-кечириш; кечириш; оқлаш; баҳона сабаб

1.кам қўлланадиган. **Кечириш, авф этиш, Ёшликда ҳаммадан ҳам хатолик ўтади.**

*Кичикдан-хато, каттдан-узр.*У.Хошимов, Қалбингга қулоқ сол

2. Бирон иш, хатти-харакатни оқловчи нарса; **сабаб, важ.**

*Ишлашдан кўрқишим тўғрисидаги узримни айтиб йиғладим. Ғ.Ғулом, Тирилган мурда.*

*Уйланиш сизга ҳам фарз, ҳам қарз. Бунга қолганда, албатта, бир узр кўрсатолмаймиз. А.Қодирий, Ўткан кунлар*  
Молимизни ортган туякашлар иш саройга тайинлашган эдилар.

**-Ҳар холда, бу узр эмас.** А.Қодирий, Ўткан кунлар.

**3.Авф этиш, кечирин ҳақидаги илтимос; кечирим.** *Ўтиб кетган, ҳозир ҳаммамизни ҳам хижолатга қўйган иш тўғрисида Фармонқул, узр тариқасида бўлса ҳам гап очармикан, деб ҳавотирда эдим. А.Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

**Узр сўраш (ёки айтмоқ)** Гуноҳини кечирини, авф этишини илтимос қилмоқ. *Юсуфжонов шу ҳаёлга келаркан, ўзини бир аёлга уриб олиб, ундан зўрға узр сўради. Н.Фозилов, Ҳаёт ўргатди.*

*Бор, жонгинам, амакинга, Саврихон аяга узр айт. "Муштум"*

4.унд.с."Авф этинг"," кечиринг" маъноларида ишлатилади.-*Узр, сизни кўрқитиб юбордим,-деди Ғуломжон.М.Исмоилий, Фарғона т.о.*

*-Узр айбга буюрмайсиз,-деди Нусратбек, олимни ишдан қолдираётганига ийманиб.С.Нуров, Нарвон.*

**УЗРЛИ** кечирса бўладиган, сабаби бор, сабабли; *Бугун узрли иш чиқиб қолди. Шаҳардан божамиз соқға салом билан келган эди. А.Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

*Одилжоннинг бошқа ҳар қандай хатти-ҳаракати, Саодатга., кўрсатган марҳамати олдида кечиримли, узрли эди. Бироқ бу найрангни тутадиган тутумга тўғри келмасди."Ёшлик"*

**УЗР-МАЪЗУР**[УЗР+МАЪЗУР] **Кечирим сўраш, авф этиш, кечирини;** узр ва маъзур. **Узр-** маъзур айтишмоқ. Айб сизда бўлса, бир узр-маъзур кечаси қиламиз.А.Қаҳҳор.Сароб.

*Кувёи билан узур-маъзур қилиб олган Пошша ҳола кечга томон уйига қайтди-ю, кўча эшиги одида асло кутмаган кишига йўлиқди.Д.Нурий, Осмон устунни.*

**УЗРСИЗ**-асосли сабаб бўлмаган; асоссиз;сабабсиз. *Узрсиз сабаб. Машғулотдан узрсиз қолмоқ.*

**Узр сўрамоқ** концепциясини ифодаловчиларидан бири бўлган **"кечирим"** ёки **"кечирим сўрамоқ"** концептосфераларини Ўзбек тилининг изоҳли луғатидан келтиришда давом этамиз:

**КЕЧИРИМ** 1.Авф этиш; узр.*У эрининг юзига кечирим сўрагандай тикилди. Ш.Рашидов, Бўрондан кучли.*

*Қобул Комилович аста қайрилар экан, укасининг кечирим сўраётгандай, мулойим тикилишини кўрди-ю, дили ёришди. Ж.Абдуллахонов,Хонадон[8,365].*

**2 ҳуқ. Авф этишнинг хусусий шакли;** давлат бошлиғи томонидан жиноий жазонинг бекор қилиниши ёки юмшатилишидан иборат хусусий авф. Кечирим якка тартибда муаян шахсга нисбатан қўлланади."*УЗМЭ"*

**КЕЧИРИМЛИ 1** Кечирини мумкин бўлган, кечирса бўладиган.

*Одилжоннинг бошқа ҳар қандай хатти ҳаракати..кечиримли, узрли эди.Бироқ бу найранги тутадиган тутумга тўғри келмасди."Ёшлик"*

**2 Кечирадиган хусусиятга эга; кечирувчи.***Ўзбек халқи жуда кечиримли халқ.*

Юқорида ўзбек тилидаги **узр сўраш** нутқий актини ифодаловчи концепти ва когнитивосфераларини кўриб ўтган бўлсак, эндиликда инглиз тилида **узр сўрашнинг** йўллари ва уларни ифодаловчи концептосфераларини кўриб чиқамиз.

Инглиз тилида **узр сўрамоқ** сўз бирикмаси **to apologize** деб таржима қилинади. Фикримизнинг далили сифатида Инглиз тилининг Collins Dictionary луғатида узр сўрашга қандай изоҳ берилишига эътиборни қаратсак:

When you **apologize to** someone, you [say](#) that you are [sorry](#) that you have [hurt](#) them or caused [trouble](#) for them. You [can](#) say 'I **apologize**' as a formal [way](#) of [saying](#) sorry.

Two years ago, Congress formally apologized for the internment.

I apologize for being late.

Costello later apologized, saying he'd been annoyed by the man.

He apologized to the people who had been affected

**To apologize**- феълига маънодош бўлган феъллар, яни концептосфераларини кўрсатиб ўтамыз. Улар қуйидагилардир. **say sorry, express regret, ask forgiveness, make an apology**

**SAY SORRY 1.** to make an apology; acknowledge, and express [regret](#) for, a fault, [wrong](#), etc.(узр сўрамоқ, тан олмоқ ва афсусланганлигини билдирмоқ)

Инглиз тилида **to apologize** феълени нутқий ёки ёзма равишда узрни ифодалашга доир қўлланиши:

The guest **apologized** for arriving late.

The manager **apologized** to the people who had been affected by the leak.

We **apologize** for any inconvenience this problem may cause our customers.

( Бирор нарса жиддий бўлмаган, оддийгина узр сўрашнинг йўли бу I'm very sorry or I'm so sorry).

Кўпроқ расмийроқ йўли **I do apologize** and **I beg your pardon**.лардан фойдаланилади.

On [Monday afternoon](#), he [publicly](#) apologized for the [pain](#) he has caused his family.

I apologized [absolutely](#) saying that I had [entirely forgotten](#) in my [enthusiasm](#) and was very sorry.

**I'm sorry to say** одатда бирор нарсдан умидсизлик ёки норозилик билан афсусланиб узр сўрашга нисбатан қўлланади.

Ёзма нутқда расмий узр сўраш одатда **Please accept my/our apologies** лардан фойдаланилади.

I've only done half of it, I'm sorry to say.

This, I am sorry to say, is almost entirely wishful thinking.

While both parties expressed [regret](#), a [return looks](#) less than [likely](#).

And although his changes [reaped rewards](#), he [still](#) expressed regret over his move.

He has [already](#) expressed regret for the tweet, which [prompted](#) a [backlash](#) that at times turned [vicious](#).

I've needed to ask forgiveness from fellow staff members, elders, and even the congregation at times.

What we needed wasn't just for me to ask forgiveness, but also a time to reconcile our relationship through honest conversation, warm cuddles, and a few giggles.

Keep saying how sorry you are and ask forgiveness. The judges will ask him if he wants

to confess to anything or ask forgiveness. They should forgive and ask forgiveness, appease and be appeased, and converse without restraint.

**to forgive or excuse** (a person) for (an offence, mistake etc)

Hundreds of political prisoners were pardoned and released[11,654].

Ўзбек тилининг этимологик луғатида кечирмоқ феълига қуйидагича таъриф берилган: **Кечир**-гуноҳидан ўт.Агар ўз сўзларим билан кўнглингизга озор берган бўлсам, мени кечиринг.Бе феъл ўзбек тилида **кеч** феъли “ўт-“ маъноси билан қатнашган **воз кеч** бирикмасидан ўсиб чиққан. Бир қошиқ қонидан кеч-, гуноҳидан кеч-кабир бирикмалар таркибида бу феъл ўзи мустақил ишлатила бошлаганидан кейингина унга **-и(р)** қўшимчаси қўшилган. **Кечиринг, Кечирасиз** кабилар шу феълнинг мурожаат шакллари сифатида кейинчалик юзага келган.Кечирасиз, Кечиринг кабилар ҳам шулар таркибига киради.

**АВФ**-бу арабча сўз бўлиб, **ʿavf(un)** шаклига эга(АРС, 525), ўзбек тилининг фатҳали айн товушини а товушига алмаштириб қабул қилинган. **ʿavf**-авф. Бу сўз араб тилида **ʿavfa** феълнинг “**кечирди**” маъноси билан ҳосил қилинган I боб масдари бўлиб(АТГ,142), **кечирим, узр** маъносини англатади (ЎТИЛ, 1,63).Ўзбек тилида **фв** товушларини кетма-кет талаффуз қилиш ноқулай бўлганлиги сабабли, сўзлашув нутқида бу ундошлар ўрин алмашиб, авф тарзида айтилади. Авф сўзи ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, асосан **авф эт** қўшма феъли, **авф сўра-авфи** умумий бирикмалар таркибида қатнашади. **Авфи умумий** бирикмаси тожик тилидан олинган бўлиб, тожик тили луғатида “**амнистия**” маъносини англатиши айтилган(ТЖРС,34) ўзбек тили луғатида бу бирикма нимагадир изофани тушуриб ёзилган(ЎТИЛ,1,63); бу бирикманинг маъноси форс тили луғатида “**всеобщая амнистия**” деб аниқ изоҳланган[8,248].

**УЗР**-бу арабча сўз **ʿudviyu(un)** шаклига эга (АРС,521);ўзбек тилига даммали **айн** товушини у товушига, **зал** ундошини з ундошига алмаштириб қабул қилинган; **ʿuzr-узр; кечирди, оқлади**-маъносини англатувчи **ʿazağa** феълнинг (АРС,503) I боб масдари бўлиб, (УАЯ,568) араб тилида “кечирим”, “оқлаш”, “кечириш учун асос, сабаб маъноларини англатади (АРС, 505); ўзбек тилида асосан **узр сўра** бирикмаси таркибида “**кечирим**”маъноси билан **узрини айт**-бирикмаси таркибида “кечириш учун асос”маъноси билан қатнашади;ёлғиз ўзи авф этишини илтимос қилиш маъносини ифодаловчи ундов сўз сифатида ишлайтилади(ЎТИЛ, 267)

**УЗРЛИ** бу сўз ўзбек тилида арабча узр сўзидан(қ.)-ли қўшимчаси билан ясалган;“кечиримли”, “кечирса бўладиган” маъносини англатади(ЎТИЛ, II,267)

**УЗРСИЗ**-бу сўз ўзбек тилида **узр** сўзидан(қ), **сиз** қўшимчаси билан ясалган; **кечириб бўлмайдиган; кечириш учун утарли асосга эга бўлмаган**” маъносини англатади (ЎТИЛ,II,267)[8,214]

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибди-ки, **узр сўрашнинг** ҳар қандай кўриниши икки ҳалқ одоби нутқий актидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади ва бу мавзу айнан ҳар қандай халқ маданияти ва инсоннинг одоб-ахлоқи доим ҳар нарсадан устун эканлигидан далолатдир.Қуйида биз узр сўрашнинг Ўзбек маданиятида қўлланиш ҳақида ҳам озроқ тўхталиб ўтмоқчимиз.Ўзбек халқи одоби, маданияти неча асрлардан бери давом этиб келаётгани, бу такрорланмас маданият орқали бошқа халқларга намуна бўлиб келмоқда десак муболға бўлмайди, албатта.

Узр сўраш одобидан айрим фикрларимизни ҳам келтириб ўтмоқчимиз.

Масалан: Баъзи бир вақтлар борки, у пайтда инсонлар ўзларини узр сўраб безовта қилишларини истамайдилар. Масалан: кечаси одламлар ухлайдиган пайтда уларни безовта қилиб узр сўраш ёки тонгда жуда эрта узр сўраш ёхуд туш пайтида дам олиш вақтида узр сўраш. Чунки бу вақтлар кўпинча инсонлар дам олади, иссиқдан энгил кийинган бўлади. Узр сўрамасдан киришлик мутлоқ дуруст бўлмайди.

Узр сўраш маданиятнинг олий чўққисидир. Жоҳиллар эса уни ўзликни хорлаш деб ўйлашади[6,96].

Ўзбек халқи атоқли ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар асаридан узр сўраш актига доир мисоллар олиб таҳлилга тортмоқчимиз.

Масалан, Улар хужрага келиб кирдилар. Отабек келгучиларни улуглаб қаршилади. — **Бизни кечирасиз**, бек ака, — деб Раҳмат **узр айтди**, — вақтсиз келиб сизни тинчсизладик... Отабек уларга юқоридан жой кўрсатар экан, ёқимлиқ бир вазиятда: — Тинчсизламадингизлар, билъакс қувонтирдингизлар, — деди, — шаҳрингизга биринчи мартаба келишим бўлгани учун танишсизлиқ, ёлғизлиқ мени жуда зериктирган эди

— **Кечирингиз, бек ака**, — деди Раҳмат, — мен сизнинг Маргилон келганингизни бу кун отамдан эшитдим. Йўқса, албатта сизни зериктирмас эдим.

Таҳлилга тортилган мисолларимизга эътиборни қаратсак: — **Бизни кечирасиз**, бек ака ушбу гапда **кечирасиз** нутқий актни англатувчи нутқий калима, Раҳмат ҳеч қандай айб қилмай узр сўраётганиша гувоҳ бўламиз, лекин бу ерда асл маънода ҳеч қандай айб қилинганлиги йўқ, ўзбек миллати маданияти юзасидан одатда, ўзидан катта ёки юқори мансабли кишилардан бирор маслаҳатми ёки фикрни олмоқчи бўлса, кечирасиз нутқий калимаси тшлатилади.

Раҳмат адресантга йўналтирилган нутқи Отабек томонидан ижобий қабул қилинди ва шу ерда Отабек ҳам уларга юқоридан жой бериб, мулозамат кўрсатди.

**Кечирингиз, бек ака**, — деди Раҳмат— деди Раҳмат, — мен сизнинг Маргилон келганингизни бу кун отамдан эшитдим. Йўқса, албатта сизни зериктирмас эдим.

Келтирилган гапда Раҳматни Отабекка мулозамати орқали узр сўралиши ифодаланяпти.

— Кечирингиз амак ,— деб Отабек кулимсиради, — сиз отамнинг мушовирлиғини бошқачароқ онглаганга ўхшадингиз... Бизнинг бекларга ҳукм вақтида ҳам мушовир бўлмоқ имконсиз нарсадир. Отам Азизбекнинг мушовири ва яқин мусоҳиби' саналса ҳам ва лекин бу жузъий ишлардагинадир, бунинг учун сизга бир мисол келтурай, бу иш шу яқин оралардагина бўлди: Тошканддаги жумъалик гап мажлисларидан бирида бир киши Азизбекни махтар ва бу махтовга қарши иккинчиси "нега мунча махтайсан, Азизбекнинг асли бир бачча-да" дер

Юқоридаги гапларда эса Отабек Хомидбойнинг гаптга тегишли жавоб бериб, кулимсираган холда— сиз отамнинг мушовирлиғини бошқачароқ онглаганга ўхшадингиз...узр сўраб тегишли жавобни жойида қайтариб, мот қилиб қўйганлигиа гувоҳ бўламиз.

— Кечирасиз, ота, — деди, — бизнинг Хомидбой шунақа қўланса гаплар учун яратилган одам[7,265].

Бу ерда ҳам **кечирасиз** нутқий калима орқали Хомидбойга эътибор

бермасликни, у куйканак, нопок инсон эканлиги орқали ифодалаб қўяпти.

— Эсимдан чиқибдир, — **деб узр айтди Ҳасан**, — Ҳомид Раҳмат билан бирга Отабекни Зиё аканикига таклиф қилғали келган эди ва биз уларга ош-сув қилиб жўнатқан эдик. Аммо уларнинг ундай-бундай сўзлари бўлмаган, тўғрилиқча келиб кеткан эдилар. — Яхши, ўша Ҳомидни сен қандай одам, деб ўйлайсан?

Юқорида келтирилган асар парчасидан **деб узр айтди Ҳасан** иборасига эътиборни қаратсак: Ҳасанни келтирилган хабарни Отабекка айтмагани, яъни эсидан чиқиб қолганлигини билдириб турубди, бизнигча, бу ерда узрнинг аслий маъноси қўлланган. Чунки Ҳасанали Хожаси Отабекка ҳар бир хабарни етказмоғи керак.

Отабек онасининг аразига аллақачон тушунган, ҳам шу ҳолни Марғилондаёқ куткан эди. Бир-икки **қайта узр айтиб кўргандан** сўнг Ўзбек ойимнинг эпақага келишига ишонмай қолди ва шунинг учун ул ҳам гўё билмаган, тушунмаган кишидек юрий берди.

Юқорида келтирилаг мисолда эса ўзбек маданиятига хос бўлган аразлаш сценерийси бериляпти, бундай холлардан фақат узрни бир неча марта айтиб чиқиб кетиш мумкин холос, айниқса онанинг аразлашини ёзиш осон бўлмайди, бў ўзбек миллатида.

Отабек қайтиб ўлтурмади ва ҳавлининг ўртасидан туриб **узр айтди**: — Раҳмат, уста, мен бу кун ошиғич юриб, эрталаб жўнаб кетган юкларнинг кетидан етиб олмасам бўлмайдир.

Келтирилган мисолда Отабекни узр сўраши ўзбекона хижолатчиликдан эканлиги, китобхонни яна ҳам ўзбек миллий маданиятини хурмат қилишга ундайди, деб ўйлаймиз.

— Баракалла, синглим! Ҳайтовур чарчамай келдингларми, мен сизларни овора қилдимов, — **деб узр айтиб кулган ва уялиб борган қудачасиға енгиллик берган бўлди**.

-деб узр айтиб кулган ва уялиб борган қудачасиға енгиллик берган бўлди гапида одоб юзасидан узр сўралаётганига гувоҳи бўламиз.

**Кумуш узр айтди**: — Чарчадим шекилик, — деди, — иштиҳом бўғил-ғанға ўхшайдир... Ўзбек ойим кулди: — Иштиҳонг бўғилған бўлса чарчаганингники эмас эрингни соғинганингники, — деди. Бирдан ҳамма кулиб юбордилар. Зайнаб ҳам кулгуга иштирок қилди... Аммо Кумуш юзини четка ўгирган эди. Эҳтимолки, қайин онасининг заковатиға ичидан таҳсин ўқур эди.

**Кумуш узр айтди**-гапида Кумушбибининг Ўзбекойимдан хижолат бўлиш туйғусини чарчадим шекилли гапи билан айтиб, ҳаммага тушунтириб қўйилиши, ўзбек миллий маданияти тили нақадар сўзомонликка ва уларни жой-жойида ишлатилишига яққол мисол бўла олади.

Уста Алим қутидорға кулимсираб олғач: — **Рухсатсиз меҳмонхонангизга кирганим учун кечирасиз**, — деди. — Айби йўқ, мулла, — деди қутидор ва қаршима-қарши ултуришдилар.

**Рухсатсиз меҳмонхонангизга кирганим учун кечирасиз** каби бундай нутқий калималар ҳар бир ўзбек миллати хонадонида бир кунда бир неча маротаба такрорланиши удумга аллақачон кириб ўлгурган.

— Нозик бир жой эдими! — деб кўрбоши захарханда қилди. — Агар айтмасанг ўша

муттаҳамлар тиқиладирған чуқурға сен ҳам ташланасан. — Кечирингиз, тақсир.

Кўрбошини захархандасидан кўрққаёткан қул ундан узр сўраяпти, бундай холларда ҳамма халқларда кечирим сўралади.

Энди ўзимнинг қилмишларимдан пушаймон бўлдим... Мен сизларнинг қилган яхшилиқларингизни унутқан эканман... Сизлар ўзларингизнинг бу ишларингиз билан маним кеткан ақлимни яна миямга ўрнатдингиз... Раҳмат фуқаро... Гуноҳимни кечирингиз, қилмишларимдан пушаймон бўлдим, фуқаро!

Урушдан мағлуб бўлган Азизхон Хон хазратлари қўлидаги хизматчиларидан узр сўраб, уларни яна ишончига киришга ҳаракат қиляпти. Бу ерда узр сўраш концепсияси инсонни авраш маъносида қўлланиляпти.

Уйингиз орқасида қилган адабсизликларим, хунхўрликларим учун мени кечирингиз... Чунки мен бу ваҳшийликни ишлашда ихтиёрсиз эдим: ҳаётингизнинг, номусингизнинг сақланиши буни тақозо этар эди... Албатта мен ишонаманким, сиз маним бу яхшилигим учун миннатдорлик қиларсиз.

Отабекни Кумушга ёзган мактубида Отабек кумушни қаллоп Хомидни қўлидан қутқариб қолганига ҳам узр сўраши, миллатнинг ўта самимийлига мисол бўла олади[7,301].

#### Адабиётлар:

1. Вендлер З. Иллокутивное самоубийство // Новое в зарубежной лингвистике: Лингвистическая прагматика. – Москва, 1985. Вып. XVI. – С. 233-250.
2. Жеребило Т.В. Словарь лингвистических терминов: [http://www.myfilology.ru/media/user\\_uploads/Tutorials/Zherebilo\\_T\\_V\\_slovar\\_lingvisticheskikh\\_terminov.pdf](http://www.myfilology.ru/media/user_uploads/Tutorials/Zherebilo_T_V_slovar_lingvisticheskikh_terminov.pdf)
3. Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1986. – С. 22-129.
4. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008.
5. Серль Дж. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. –Москва, 1986. Вып. XVII. – С. 170-190.
6. Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент, 2001. – Б. 94.
7. А.Қодирий Ўткан кунлар асари.Ғофур Ғулом нашриёти.-Б.492
8. А.Мадвалиев таҳрири остида Ўзбек тилининг изоҳли луғати. (2006-2008)
9. Ўзбек тилининг этимологик луғати. 2-жилд (Шавкат Раҳматуллаев)
- 10.
11. Mirxamidovna, M. G. (2022). Maqol Va Matallarning Kommunikativ Xususiyati. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 2(2), 125-129.
12. Murotova, D. (2023). Artistic characteristics of the epic" saddi iskandari" by alisher navoyi. Niderland" integration, evolution, modernization: ways of development of science and education", 14(1).
13. Murotova, D. (2023). Remark in drama and its artistic-aesthetic function. Евразийский журнал академических исследований, 3(6 Part 3), 91-94.
14. Murotova, D. (2023). The Place of Remarks in Shakespeare's Tragedy and Analysis of its Place in the Art of the. Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences, 2(5), 17-18.

15. Murotova, D. (2022). Phonetic, lexical and morphological medium vyrajeniya izvineniy v raznosistemnyx yazykax. Science and Innovation, 1(8), 260-262.
16. Murotova, D. (2022). Uilyam shekspir asarlaridagi konfliktlar tahlili. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 2(5), 253-255.
17. Murotova, D. (2022). State Remark of Abdulla Qahhor's Comedy " Painful Teeth". Zien Journal of Social Sciences and Humanities, 5, 89-90.
18. Murotova, D. (2022). A. Qahhorning "boshsiz odam" hikoyasida muallif pozitsiyasi va roviy funksiyasi. Science and innovation, 1(B5), 336-341.
19. . Ikromova, I., & Murotova, D. (2022). Some comments on the poetics of the story of "the story of a woman who did not eat raisins". ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 12(6), 159-162.
20. . Murotova, D. (2022). Periphrasis and principles of its application. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 12(6), 163-165.
21. . Murotova, G., & Khudoynazarova, D. (2021). Principles of developing the main skills in english language acquisition. Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal, 2021(06), 160-172.

